

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭЛМОНОВ СИРОЖИДДИН МАМАДИЯРОВИЧ

**ЖУННИ ЎСИМЛИК АРАЛАШМАЛАРИДАН ТОЗАЛАШ
МАШИНАСИННИНГ САМАРАЛИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ИШЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Элмонов Сирожиддин Мамадиярович Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг самарали конструкциясини ишлаб чиқиш ва ишчи параметрларини асослаш	3
Элмонов Сирожиддин Мамадиярович Разработка эффективной конструкции машины по очистке шерсти от растительных примесей и обоснование рабочих параметров	19
Elmonov Sirojiddin Mamadiyarovich Development of effective constructions machine for cleaning wool from plant impurities and justifying the operating parameters	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	39

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭЛМОНОВ СИРОЖИДДИН МАМАДИЯРОВИЧ

**ЖУННИ ЎСИМЛИК АРАЛАШМАЛАРИДАН ТОЗАЛАШ
МАШИНАСИННИНГ САМАРАЛИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ИШЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T242 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джураев Анвар

техника фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Баҳадиров Гайрат Атаханович

техника фанлари доктори, профессор

Қулметов Мирполат

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Наманган муҳандислик-технология
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 29 июнь соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил 14 июнь куни тарқатилди.
(2018 йил 14 июндаги 37-рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

И.Г.Шин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раис ўринбосари, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорида табиий толалардан бири бўлган жун толаси тўқимачилик саноатининг асосий хомашёсидан бири ҳисобланади. Халқаро статистик маълумотларга кўра «2016-2017 йил мавсуми бўйича Австралия, Хитой, АҚШ, Янги Зелландия, Буюк Британия, Хиндистон, Туркия, Эрон, Шимолий Кореа каби давлатлар жун толасини етиштириш ва импорт қилиш бўйича етакчилик қилган»¹. Жун толасининг сифатига бўлган талабларни янада кучайиши жун толасини жаҳон бозорида унинг рақобатбардошлигини ошириш, замонавий ҳамда технологик жиҳатдан ишончли ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги технология ва курилмаларни ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилиш, жаҳон жунни дастлабки ишлаш соҳасида юқори самарадорликка эга бўлган жунни тозалаш машиналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда жунни дастлабки ишлаш техника ва технологияларини дағал ва майин жунларнинг физик-механик хусусиятларини инобатга олган илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан ўсимлик аралашмаларини жун билан қамров ҳажмини аниқлаш, узиш кучи ва чўзилиш характеристикаларини қуриш, ишчи органлар ҳаракатлари назарий ва тажрибавий текшириш, оптимал параметрларини, ҳаракат қонунларини таҳлил қилиш, жунни қайта ишлашда табиий хусусиятларига таъсир этувчи омилларни назарий асослаш, жун таркибидаги қийин ажралувчи ўсимлик аралашмаларини тозалаш машинасининг ишлаш режимларини, оптимал параметрларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда жунни қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, жунни тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва жун хом ашёсини қайта ишлаш рентабеллигини, шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан жунни тозалаш машиналарини ресурстежамкор конструкцияларини яратиш, жундан қийин ажралувчи ўсимлик аралашмаларини тўлиқ ажратиш жараёнининг самарали технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони,

¹ <http://www.worldatlas.com>; <https://www/statistica.com>; <https://geographyofrussia.com/legkava-promyshlennost-mira>;

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони

2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2013 йил 8 августдаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жунни қайта ишлаш техника ва технологиячини ривожлантириш, жунни табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда сифатли маҳсулотларни олиш илмий ва амалий йўналишларда қатор изланишлар олиб борган А.А.Угрюмов, В.К.Афанасьев, Л.С.Горбунова, Я.Я.Липенков, А.М.Домашинко, В.И.Безруков, Н.И.Шлеудяков, Е.В.Грязнова, Е.В.Колпаков каби дунёнинг етакчи олимлари ўз ҳиссаларини қўшган.

Мамлакатимизда жунни қайта ишлаш технологияси ва машиналари конструкцияларини янада такомиллаштириш бўйича фундаментал ва амалий изланишлар олиб бориб ўз ҳиссаларини қўшган Х.Аҳмедхўжаев, М.Кулметов, С.А.Юсупов, Ж.А.Қаюмов каби олимларни эътироф этиш мумкин.

Аксарият тадқиқотлар жунни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш, уни қайта ишлаш технологиясида жунни ювиш, тараш, кимёвий ишлов бериш каби технологияларни такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, жундан қийин ажраладиган тиканли ўсимлик аралашмаларидан ажратиш технологияси ва ресурстежамкор, машиналар самарали конструкциялари илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқариш етарли даражада олиб борилмаган. Шунинг учун жунни ўсимлик аралашмаларидан тозаловчи машиналар конструкцияларини такомиллаштириш, ишчи органлар параметрлари ва ишлаш режимларини жунни хусусиятларини инобатга олган ҳолда асослаш бўйича тадқиқотлар ўтказишга асос бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ВА-ОТАЗ-04 «Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозаловчи ресурстежамкор юқори самарали машина конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини ҳисоблаш», ЁОТ-Фтех-2018-53 «Маҳалий жунларни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш технологияси илмий асосларини ишлаб чиқиш», И-2015-2-5 «Пахтани майда чиқиндилардан тозалаш секциясининг ресурстежамкор конструкциясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш», А-3-128 «Пахта тозалаш агрегатининг рационал компоновкадаги ресурстежамкор ишчи органларининг самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш ва параметрларини ҳисоблаш методларини яратиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг ресурстежамкор, самарали конструкциясини ишлаб чиқиш, ишчи органлари параметрлари ва ишлаш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси, ишчи органлари ва юритиш механизмлари конструктив схемаларини ишлаб чиқиш;

жунни тозолагичнинг юритиш вали, аррали цилиндри, ажратгич, қозикчали таъминлагичларини ҳаракат қонунларини аниқлаш, боғланиш графикларини куриш, параметрларини асослаш;

тозолагич колосникларини тебраниш характеристикаларини аналитик усулда аниқлаш, тавсия параметрларини ишлаб чиқиш;

арра тишларидан жун тутамини ажратиб олиш барабани ҳаракат қонуни, таркибли пластинкаси тебранишларини аналитик усулда аниқлаш;

тажрибалар асосида дағал ва майин жунларни ўсимлик аралашмасидан (қўйтикан, қатртиканак) ажратиш кучини аниқлаш;

тўлиқ факторли тажрибалар асосида жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси оптимал параметрларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси, ишчи органлари ва юритиш механизмлари олинган.

Тадқиқот предмети жунни ўсимлик аралашмаларидан тозолагичнинг ишчи органлари ҳаракат қонунларини ифодаловчи математик моделлар, боғланиш графиклари, жунни тозалаш технологияси, асбоб ва ускуналари, тавсия параметрлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий назарий ва амалий механика, машина ва механизмлар назарияси, ҳисоблаш математикаси ҳамда тажриба натижаларини қайта ишлашда тадқиқотларни режалаштиришнинг статистик ва математик усулларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг ресурстежамкор, самарали конструкциялари, арра тишларидан жун тутамини ажратиб олиш барабани ва ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларнинг конструкциялари ишлаб чиқилган;

тозолагич колосниклари тебраниши, силжиш қийматлари, қайишқоқлиги ва керакли масса қийматлари аниқланган;

арра тишларининг жун тутамини ажратиб олиш жараёни, таркибли эластик пластина тебраниш характеристикалари топилган, параметрлари ишлаб чиқилган;

тажрибавий тадқиқотлар асосида аррали цилиндр юкланишининг ўзгариш боғланишлари аниқланган, унинг ўзгаришига тасмали узатма таркибли шкиви қайишқоқ элемент бикрлигини таъсир даражаси ва боғланишлари аниқланган;

тўлиқ факторли тажрибавий тадқиқотлар асосида жунни ўсимлик аралашмаларидан самарали тозалашни таъминлайдиган машинанинг оптимал параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг самарали, ресурстежамкор конструкцияси ишлаб чиқилган;

тозалаш машинаси ишчи органлари юритмалари учун юкланишларнинг тебранишларини сўндириш имкониятига эга бўлган тасмали узатмаларнинг самарали конструкциялари яратилган;

арра тишларидан жун тутамини самарали ажратиб оладиган таркибли эластик пластиналар барабан конструкцияси ишлаб чиқилган;

жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш самарасини таъминлаш бўйича машина ишчи органлари параметрлари ва ишлаш режимлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги жун таркибидаги ўсимлик аралашмалардан тозалаш ускунасининг ишчи органларини назарий тадқиқотлари натижасининг амалий синови, уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисобий ишларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси ишчи органлари ва юритиш механизмларининг самарали конструктив схемалари ишлаб чиқилганлиги, жунни ўсимлик аралашмаларидан самарали тозалашни таъминлаш учун тозалаш машинаси ишчи органларини ҳаракат режимлари, боғланиш графиклари олинганлиги, оптимал параметрларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти жунни ўсимлик аралашмаларидан самарали тозаловчи машинанинг ресурстежамкор конструкцияси, арра тишларидан жун тутамини ажратиб олиш барабани ва ўзгарувчан узатиш нисбатли тасмали узатмаларнинг конструкциялари ишлаб чиқилганлиги, сифатли жун толасини олиш имконияти амалга оширилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг ресурстежамкор, самарали конструкциясини қўллаб жунни тозалаш самарасини ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш ускунаси, толали материалларни тозалагич ускунасига Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модел патентлари олинган («Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш ускунаси», №FAP 01015-2015 й.; «Толали материалларни тозалагич» №FAP 01077-2016 й.). Натижада жундан қийин ажралувчи ўсимлик аралашмаларини осон ажратиш имконини берган;

тасмали узатма учун Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модел патентлари олинган («Тасмали узатма», №FAP 00734-2012 й., №FAP 00813-2013 й.). Натижада тозалаш машинаси ишчи орган юритмалари юкланишларининг тебранишларини сўндириш ва тозалаш самарасини 7,2%га ошириш имконини берган;

тавия қилинган жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарда, хусусан Бухоро вилояти “О‘КТМ-КО” ва “КОМТЕКС-РРОШ” МЧЖ корхоналарида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 11 июндаги БМ-06-4018-сон маълумотномаси). Натижада жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг ишлаб чиқариш синови натижаларига асосан жун толанинг механик шикастланиши 4,2%га, жун толасидан чиқиндиларни 8,5-10,5%гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 15 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 6 та халқаро, 9 та республика конференцияларида ва 3 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий ишларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 6 та фойдали моделига патент олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Жун хом-ашёсини ифлосликлардан тозалаш техника ва технологиясини такомиллаштириш тадқиқотлари таҳлили»** деб номланган биринчи бобида жун хом-ашёсини ифлосликлардан тозалаш техника ва технологияси бўйича назарий ва амалий изланишлар таҳлили келтирилган. Шунингдек, жун ишлаб чиқариш ҳолати ва жуннинг асосий физик-механик хусусиятлари таҳлили, ҳамда жун хом-ашёсини ифлосликлардан тозалаш агрегатлари конструктив хусусиятлари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозаловчи машиналарининг ресурстежамкор, самарали конструктив схемаларини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш ускунаси янги ресурстежамкор конструктив схемалари, жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси аррали



2-расм. Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси схемаси


Бу толани йирик ўсимлик аралашмаларидан ажратиш учун ишчи барабан 13 юзасига тушади. Жун толаси ишчи барабан 13 юзасига сиқилади ва тутиб қолади, чунки унинг юзаси резина-кожали материалдан тайёрланган. Ишчи барабан 13 юзасига илашиб олган жун толаси кўзгалмас пичоқ 14 томон ҳаракатланади ва йирик ўсимлик аралашмалари кўзгалмас пичоққа 14 келиб уриб туширувчи валик 15 ёрдамида ажратиб олинади ва ифлосликларни чиқарувчи шнекка тушади. Йирик ўсимлик аралашмасидан ажралмий қолган жун толаси уриб туширувчи валик 15 ёрдамида тўрли юзадан 16 олиб ўтиб яна ишчи зонага ташлайди. Жун толаси ишчи вал юзасидан чўткали валик 18 орқали ечиб олинади ва жун толасига қўшилади. Ускуна ишлаш вақтида тозаланган жун бўлакчалари арра тишларидан самарали ажратиб олиш муҳимдир. Бунинг учун янги конструкция тавсия қилинди (3-расм). Конструкцияда барабан валга 1 маҳкамланган диск 2 ва унга болт 3 орқали маҳкамланган планка 4 дан ташкил топган. Планка 4 бурчак шаклида эгилган қайишқоқ пластиналар 5 ва унга клейлаб қўшимча винт 6 билан маҳкамланган резина матоли пластинка 7 дан ташкил топган. Пластиналарнинг 5 чиқиб турган қисми ва резина матоли пластиналар 7 планкалар 4 қўшимча R радиусига эгилган (бу ерда $R = R_6$, R_6 – барабан радиуси).



3-расм. Ажратиш барабани схемаси

Диссертациянинг «Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш ускунасини назарий изланишлари» деб номланган учинчи бобида тозалаш машинаси ишчи органлари ҳаракат қонунларини ифодаловчи динамик ва математик моделлари келтирилган. Уларни сонли ечими асосида аррали цилиндр, қозикли барабан, юритгич вали, ҳамда уч қиррали колосникларнинг тебраниш қонуниятлари, боғланиш графиклари олинди ва уларни таҳлили

асосида параметрларини тавсия қийматлари аниқланган. Ускуна машина агрегатлари ҳисоб схемалари 4б-расмда келтирилган.



*I-двигател ротори ва етакловчи шкив массаси;
II - ажратувчи вал массаси,
III-аррали цилиндр массаси,
IV-қозикли таъминлагич массаси,
V-двигател вали массаси,
VI-жунни илувчи барабан массаси*
4-расм. Тозалаш машинаси кинематик схемаси (а) ва машина агрегатлари ҳисоб схемалари (б)

Ишчи органларни ҳаракат тенгламаларини Лагранжинг II- тартибли тенгламаларидан фойдаланиб тўрт массали система келтириб чиқарилди,

$$\begin{aligned}
 M_g &= f(\dot{\varphi}_1); J_1 \ddot{\varphi}_1 = M_g - b_1 \Delta \dot{\varphi}_1 - c_1 \Delta \varphi_1; \\
 J_2 \ddot{\varphi}_2 &= U_{12} (b_1 \Delta \dot{\varphi}_1 + c_1 \Delta \varphi_1) - b_2 \Delta \dot{\varphi}_2 - c_2 \Delta \varphi_2 - M_{c2}; \\
 J_3 \ddot{\varphi}_3 &= U_{23} (b_2 \Delta \dot{\varphi}_2 + c_2 \Delta \varphi_2) - b_3 \Delta \dot{\varphi}_3 - c_3 \Delta \varphi_3 - M_{c3}; \\
 J_4 \ddot{\varphi}_4 &= U_{34} (b_3 \Delta \dot{\varphi}_3 + c_3 \Delta \varphi_3) - M_{c4}
 \end{aligned} \tag{1}$$

бу ерда $\Delta \varphi_1 = \varphi_1 - U_{12} \varphi_2$; $\Delta \dot{\varphi}_1 = \dot{\varphi}_1 - U_{12} \dot{\varphi}_2$;

$$\Delta \varphi_2 = \varphi_2 - U_{23} \varphi_3; \Delta \dot{\varphi}_2 = \dot{\varphi}_2 - U_{23} \dot{\varphi}_3; \Delta \varphi_3 = \varphi_3 - U_{34} \varphi_4; \Delta \dot{\varphi}_3 = \dot{\varphi}_3 - U_{34} \dot{\varphi}_4;$$

жунни ажратувчи барабан ҳаракат тизими учун


$$\begin{aligned}
 M_g &= f(\dot{\varphi}_5); J_5 \ddot{\varphi}_5 = M_g - b_4 \Delta \dot{\varphi}_4 - c_4 \Delta \varphi_4; \\
 J_6 \ddot{\varphi}_6 &= U_{56} (b_4 \Delta \dot{\varphi}_4 + c_4 \Delta \varphi_4) - M_{c6}; \\
 \Delta \varphi_4 &= \varphi_4 - U_{45} \varphi_5; \Delta \dot{\varphi}_4 = \dot{\varphi}_4 - U_{45} \dot{\varphi}_5;
 \end{aligned} \tag{2}$$

бу ерда, $M_g, \dot{\varphi}_1, \dot{\varphi}_5$ - электр юритгичлар валларидаги юритиш моментлари ва бурчак тезликлари; $\dot{\varphi}_2, \dot{\varphi}_3, \dot{\varphi}_4, \dot{\varphi}_6$ - жун тозалагичининг уриб туширувчи (ажратувчи) вали, аррали цилиндри, қозикчали таъминлагичи ва жунни илиб олувчи барабани бурчак тезликлари; b_1, b_2, b_3, b_4 - мос равишда тасмали узатмаларнинг диссипация коэффицентлари; c_1, c_2, c_3, c_4 - мос равишда тасмали узатмаларнинг бикрлик коэффицентлари; $U_{12}, U_{23}, U_{34}, U_{56}$ - тасмали узатмаларнинг узатиш сонлари; $M_{c2}, M_{c3}, M_{c4}, M_{c6}$ - валлардаги қаршилик моментлари.

Олинган (1) ва (2) дифференциал тенгламалар системаларини сонли ечимларини олиш натижасида ишчи органларнинг ҳаракат қонунлари ва боғланиш графиклари аниқланди

5а-расмдаги ишчи органлар ҳаракат қонунларидан кўриш мумкинки, қозикли таъминлагичга жун хом ашёсидан келаётган қаршилик $28 \text{ N}\cdot\text{m}$ бўлганда унинг бурчак тезлигини тебраниш амплитудаси $\dot{\varphi}_4 = 1,9 \text{ rad} / \text{s}$ бўлади ҳамда $A_{\dot{\varphi}_4} = (5,0 \div 8,0) \cdot 10^{-2} \text{ rad} / \text{s}$ ни ташкил этади. Шунингдек, аррали цилиндр

ўртача бурчак тезлиги $\dot{\phi}_3 = 52,3 \text{ rad / s}$ бўлганда, унинг тебраниш амплитудаси юкланиш $21,0 \text{ N}\cdot\text{m}$ ҳолати учун $(2,3\div 2,6)\cdot 10^{-2} \text{ rad/s}$ га тенг бўлади. Мос равишда ажратувчи валдаги юкланиш $14,8 \text{ N}\cdot\text{m}$ бўлганда, бурчак тезлигини тебраниш амплитудаси $(1,8\div 2,1)\cdot 10^{-2} \text{ rad/s}$ оралиғида ўзгаради. Бунда қаршиликнинг тасодифий ташкил этувчиси $\pm(6,0\div 8,0)\%$ оралиғида бўлгани учун, уни бурчак тезликларини тебранишлари ҳарактерига сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Таъкидлаш лозимки, электр юритгичнинг валидаги буровчи момент $(4,5\div 9,7)\text{N}\cdot\text{m}$ оралиғида ўзгариши аниқланди. Юритгичдан ажратиш валига ҳаракатни узатувчи тасмали узатма айланма бикрлиги $0,21\cdot 10^2 \text{ N}\cdot\text{m/rad}$ дан $2,26\cdot 10^2 \text{ N}\cdot\text{m/rad}$ гача ортганида, аррали цилиндр бурчак тезлиги нотекислик коэффиценти $0,15$ дан $0,026$ гача ночизиклик қонуниятда камаяди (5а-расм).



$$\dot{\phi}_{4 \text{ ўр}} = 1,67 \text{ rad / s}; c_1 = 210 \frac{\text{N}\cdot\text{m}}{\text{rad}};$$


$$c_2 = 180 \frac{\text{N}\cdot\text{m}}{\text{rad}}; c_3 = 150 \frac{\text{N}\cdot\text{m}}{\text{rad}};$$

$$J_2 = 0,141 \text{ kg}\cdot\text{m}^2; J_3 = 0,21 \text{ kg}\cdot\text{m}^2;$$

$$J_4 = 0,064 \text{ kg}\cdot\text{m}^2; M_{c_2} = 14,8 \text{ N}\cdot\text{m};$$

$$M_{c_3} = 21 \text{ N}\cdot\text{m}; M_{c_4} = 28 \text{ N}\cdot\text{m}$$

а-жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машина агрегати юритгичи, ажратувчи вали, аррали цилиндр ва қозикчали таъминлагич валлари бурчак тезликлари, юритгич валидаги буровчи моментни ўзгариши қонуниятлари



$$1 - \delta_1 = f(C_1); 2 - \delta_2 = f(C_1);$$


$$3 - \delta_3 = f(C_1); 4 - \delta_4 = f(C_1);$$

б- машина агрегати валлари бурчак тезликлари нотекислик коэффицентиларини юритгичдан ажратувчи валга ҳаракатни узатувчи тасмали узатма қайишқоқлик коэффицентиини ўзгаришига қараб олинган график боғланишлари

5-расм. Ишчи органлар ҳаракат қонунлари ва боғланиш графиклари

Графиклар таҳлиliga асосан, ҳамда тажриба натижаларини инобатга олиб валларнинг керакли тебранишдаги бурчак тезликларини таъминлаш учун машина агрегатининг параметрларини куйидаги қийматлари тавсия этилади: $J_1=0,018 \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $J_2=(0,15\div 0,16) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $J_3=(0,22\div 0,24) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $J_4=(0,06\div 0,08) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $c_1=(230\div 250) \text{ N}\cdot\text{m/rad}$; $c_2=(180\div 200) \text{ N}\cdot\text{m/rad}$; $c_3=(160\div 170) \text{ N}\cdot\text{m/rad}$. Бунда $\delta_3 \leq (0,1\div 0,12)$; $\delta_2 \leq (0,08\div 0,09)$ бўлиши таъминланади. Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш ускунасида цилиндр арраларидан тозаланган жун бўлақларини илиб олиб аэротранспорт тизимига узатиш учун эластик, резинаматולי пластиналари бўлган барабан тавсия қилинди.

Барабан ҳаракат қонунини икки массали машина агрегати масаласини (2) ечиш асосида аниқланди. Масалани ечими асосида $\dot{\phi}_5, \dot{\phi}_6, M_5$ ни ўзгариш қонуниятлари олинди. Олинган ҳаракат қонуниятлари таҳлили асосида электр юритгич вали ва жунни ажратиш барабани бурчак тезликлари тебранишлари қамрови ва буровчи моментларининг ўртача қийматлари ўзгаришини массаларнинг инерция моментларига боғлиқлик графиклари олинган (6-расм). Инерция моментларини ортиши тезликларни тебраниш қамровни камайтиради, юкланишни ортишига олиб келади (6-расм). Таҳлиллар асосида машина агрегати параметрларининг қуйидаги қийматлари тавсия қилинади: $J_5=(0,0134\div 0,014)kg\cdot m^2$; $J_6=(0,018\div 0,026)kg\cdot m^2$; $c=(240\div 260) N\cdot m/rad$; $M_{C6}=(3,8\div 5,2)\sin 23,1t$.



$$1,2 - M_6 = f(J_6); \quad 3,4 - \Delta \dot{\phi}_6 = f(J_6);$$

$$1,3 - M_{C6} = 30 \pm 2,5 N \cdot m;$$

$$2,4 - M_{C6} = 20 \pm 1,6 N \cdot m;$$

6-расм. Жунни илиб ажратиш олувчи барабан бурчак тезлиги тебраниш қамрови ва юкланиши ўзгариш қонуниятини унинг инерция моментига боғлиқлик графиклари


Жунни ўсимлик аралашмасидан ажратиш машинаси ажратувчи барабаннинг радиал текислигига нисбатан эластик пластиналар турли бурчакда оғишида жун толаларини тортувчи куч турли қийматларда бўлади. Шунингдек, толалари бўйича таъсир кучи ва жунни пластина сиртида ҳаракати ва бўлиш вақти ҳам хар хил бўлади. Шунинг учун пластиналар оғиши ўзгарган ҳолат учун жун толалари бўлагини ҳаракати таҳлил қилинди. Пластинка юзасида жун толалари бўлагига қуйидаги кучлар таъсир қилади: $F_{ц}$ – марказдан қочма куч; $F_{кор}$ – Кориолис кучи; G_x – жун толалари бўлагини оғирлик кучи; $F_{тр}$ – жун толалари бўлагини барабан пластинаси юзасига ишқаланиш кучи таъсир қилади.

Даламбер принципи бўйича пластина юзасида жун толалари тутамини нисбий ҳаракати учун тенгламасини оламиз:

$$m \ddot{x} = -G - F_u + F_{mk} \quad (3)$$


бунда: $F = fmg \cos(\theta - \varphi) - fmg \sin \theta$; $G_m = mg \cos(\pi/2 + \theta - \varphi)$; $F_{TP} = mV^2/R + x \cos \theta$.

Бу ерда: m - жун толалари бўлаги массаси, $0,2-0,25 \cdot 10^{-6} kg$; g - эркин тушиш тезланиши, $9,81 m/s^2$; φ – барабан пластинкаси бурчак силжиши; V - жун толалари тўпламини кўчирма тезлиги; X - жун толалари тўпламини барабан пластина сиртига нисбатан силжиши. Параметрларининг қийматлари: $m=0,2-0,35 \cdot 10^{-6} kg$; $g=9,81 m/s^2$; $R=0,16 m$; $\omega=87,1 rad/s$ жунни қозикқа ишқаланиш коэффицентига $f=0,3-0,45$. Масалани ечимини таҳлили натижасида ω бурчак тезлигини ва пластиналарни оғиш бурчагининг турли қийматларига боғлиқ жун толалари бўлагини ҳаракат қонуни график боғланишлари олинди (7б-расм).



1-барабан; 2-эластик пластина; 3-жун толалари бўлакчаси.

а-жунни ўсимлик аралашмасидан тозалагиччининг ажратувчи барабан схемаси



б

1- $\omega=70$ рад/с; 2- $\omega=78$ рад/с; 3- $\omega=87,1$ рад/с; 4- $\omega=93$ рад/с;

б-жун толалари бўлагини эластик пластина сиртида силжиши масофасини пластинани оғиш (эгилиш) бурчагига боғлиқлик графиклари

7-расм. Жун бўлаги харакатини ифодаловчи схема ва боғланиш графиклари

Графиклар таҳлилига асосан, таъкидлаш лозимки эластик пластина оғиш бурчаги ортиши силжиш масофасини ортишига олиб келади. Бунда оғиш бурчаги $2,5^0$ дан 13^0 гача ортганда $\omega=70$ rad/s бўлганда жун толалари бўлаги силжиши $0,9 \cdot 10^{-3}$ м дан $2,6 \cdot 10^{-3}$ м гача ортади. Бунда $\omega=90$ rad/s бўлганда силжиш масофаси $1,1 \cdot 10^{-3}$ м дан $5,05 \cdot 10^{-3}$ м гача ночизиклик қонуниятда ортиб боради. Демак эластик пластиналар жун толалари бўлакларини аррали цилиндр тишларидан ажратиб олиб кетиши учун қуйидаги қийматлар тавсия этилади $\omega=(70 \div 75)$ rad/s, $\beta=(5,0^0 \div 8,0^0)$ дан ошмаслиги керак. Бунда жун толалари бўлаклари силжиши $(2,2 \div 2,6) \cdot 10^{-6}$ м дан ошмайди, эластик пластинка сиртида сақланади ва аэродинамик транспортировка зонасига етказилади.

Диссертациянинг «**Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасини тажрибавий тадқиқотлари натижалари ва иқтисодий самарадорлик**» деб номланган тўртинчи бобида тажриба натижалари келтирилган бўлиб, асосан Жунни ўсимлик аралашмаларидан ажратиш кучини ва узайишини аниқлашга, Жунни ўсимлик аралашмасидан тозалаш машинаси тасмали узатмаси етакловчи валидаги юкланишни ўзгариш вонуни олишга, шунингдек тўлиқ факторли тажрибалар ва ишлаб чиқариш синовлари асосида ускуна параметрлари асослашга, юқори тозалаш самарасини олишга бағишланган. Жунни ўсимлик аралашмасидан ажратиш кучини махсус модернизация қилинган ўлчаш ускунасида амалга оширилди, натижалар 1-жадвалда келтирилган. Майин жун толаларини сони 18 дан 156 тага орттирилганда қўйतिकанакдан ажратиш кучи 4,2 N дан 21,3 N гача ортади, дағал жун толаларида эса, ажратиш кучи қўйतिकан ярмигача қамраб олинган ҳолат учун 11,7 N дан 36,8 N гача ортиб боради. Агарда қўйतिकанни жун толалари тўлиқ қамраб олса, майин жун толаларида ажратиш кучи 7,1 N дан 42,2 N гача ортса, дағал жун толалари учун бу кўрсаткич 12,4 N дан 158 N гача ортиб боради. Бунда жун тутамларини узилишдаги узайиши майин толалари учун 3,0 см га етса, дағал толалар учун 1,6 см гача етади. Жунни ўсимлик аралашмаларидан ажратиш машинаси юритмасида қўллаш учун қайишқоқ элементли таркибли тасмали узатма конструкцияси тавсия қилинган.

Жунни ўсимлик аралашмаларидан ажратишда узилишдаги узайиш кучи

т/р	Жуннинг қалинлиги бўйича гуруҳи	Узилиш кучи (N)	Узилишдаги узайиши, (10^{-2} m)	Жун толаларининг сони (та)
Жун толаси қўйतिकанакни тўла қамраб олганда				
1.	Майин толали	8,3	1,5	20
2.	Майин толали	60	3	160
3.	Дағал толали	22	1,6	80
4.	Дағал толали	9	0,7	40
Жун толаси қўйतिकанакни ярмини қамраб олганда				
1.	Майин толали	2,42	2	120
2.	Дағал толали	1,2	0,8	80

Бунда етакловчи шкив қайишқоқ элементи бўлган учун валга тушаётган юкланишнинг максимал тебраниш амплитудаларини камайишига олиб келади. Натижада машинанинг ишчи органлари бир меъёрда ишлаши таъминланади. Тавсия қилинган тасмали узатмани қўйганда аррали цилиндр валидаги юкланишни турли иш унумида тажрибалар асосида ўлчанди. Тажрибаларда бурчак тезлик (аррали цилиндр айланиш частотаси) ЦАТ-2М ускунасида амалга оширилди. Аррали цилиндр валидаги буровчи момент ярим кўприк усулида тензометрик датчикларни қўллаб ўлчанди. Бунда базиси 15 ммли тензодатчиклар валларга 45° бурчак остида клейланди. Олинган сигналларни УТ-4 кучайтиргич орқали сўнг 4-115 маркали осциллографда қайд қилинди. Олинган осцилограммалар таҳлили шуни кўрсатадики аррали цилиндр валидаги буровчи момент тебранишлари таркибли шкивининг резинали втулкаси айланма бикрлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Жумладан, резинали втулка 3820 MBCS маркаси резина бўлганда (4.8 а-расм) буровчи момент тебраниш амплитудаси $(8,2 \div 9,3)$ N·m ораликда бўлса, 3820 MBCS маркали резина қўлланилганда юкланиш тебраниш амплитудаси $(6,1 \div 7,0)$ N·m оралиғида бўлади. Шунинг учун тавсия қилинган тасмали узатма етакланувчи шкивида $(230 \div 280)$ N·m/rad айланма бикрликка эга бўлган 3820 MBCS маркали резинани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Тўлиқ факторли тажрибалар асосида регрессия тенгламаси олинди:

$$U_1 = 81,487 - 0,104x_1 + 0,954x_2 - 0,246x_1x_2 + 0,237x_1x_3 - 0,012x_1x_2x_3 \quad (4)$$

Кирувчи параметрлар рационал қийматлари аниқланди: иш унумдорлиги 70 kg/soat; қайишқоқ таянчнинг бикрлиги, $2,8 \cdot 10^{-3}$ N/m; аррали цилиндр ва колосник орасидаги масофа $7 \cdot 10^{-3}$ m.

Факторларнинг ушбу қийматларида жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг самараси 82% ÷ 83% да юқори бўлади.

Жунни ўсимлик аралашмасидан тозалаш машинаси ишлаб чиқариш шароитида қиёсий синов тажрибалари ўтказилди. Тажриба жараёнида таклиф қилинган жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси юқори бардошлик ва бир маромда ишлашини кўрсатди. Тозалаш самарадорлиги мавжуд конструкцияга нисбатан ўртача 17,2% ошди, жун толанинг механик шкастланиши 4,2% га камайди, ифлосликда жун толаси 8,5-10,5% гача камайди. Тавсия қилинган жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасига ишлаб

чиқаришга қўллаш натижасида бир корхона учун йиллик иқтисодий самарадорлик 22,4 млн. сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

“Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг самарали конструкциясини ишлаб чиқиш ва ишчи параметрларини асослаш” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Жундан ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасининг ресурстежамкор, самарали конструкцияси ишлаб чиқилди. Толали материалларни йирик ифлосликлардан тозалаш ускунаси янги самарали конструкцияси, ҳамда тозалаш машина ишчи органлари юритмалари учун тасмали узатмаларнинг ресурстежамкор конструкциялари тавсия қилинди. Ишчи органларга керакли ўзгарувчан бурчак тезлигини таъминлайдиган тасмали узатма конструкцияси ишлаб чиқилди. Натижада тозалаш машинаси аррали цилиндрли тишларидан жун бўлакларини ажратиш барабанини конструктив схемаси тавсия қилиш имкони яратилди.

2. Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машина агрегатларини динамик ва математик моделлари олинди. Масалаларни сонли ечими асосида аррали цилиндр, қозикли таъминлагичи, жунни арра тишларидан ажратиш олувчи барабан ва двигател валларинини ҳаракат қонунлари аниқланди. Натижада машина агрегати ишчи органлари бурчак тезликларининг нотекислик коэффициентларини жундан келаётган қаршилик ва тасмали узатма айланма бикрлик коэффициентиға боғлиқлик графиклари қурилди.

3. Юритгичдан ажратиш валиға ҳаракатни узатувчи тасмали узатма айланма бикрлиги $0,21 \cdot 10^2 \text{ N}\cdot\text{m}/\text{rad}$ дан $2,26 \cdot 10^2 \text{ N}\cdot\text{m}/\text{rad}$ гача ортганида, аррали цилиндр бурчак тезлиги нотекислик коэффициенти 0,15 дан 0,026 гача ночизиклик қонуниятда камайиши аниқланди. Машина агрегатлари валлари бурчак тезликлари тебраниш қамровини ажратувчи вал ва аррали цилиндр инерция моментларига боғлиқлик графиклари олинди. Жунни ўсимлик аралашмаларидан тозаловчи машина агрегати валларининг керакли тебранишдаги бурчак тезликларини таъминлаш учун машина агрегатининг параметрларини қуйидаги қийматлари тавсия этилди: $J_1=0,018 \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $J_2=(0,15\div 0,16) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $J_3=(0,22\div 0,24) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $J_4=(0,06\div 0,08) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $c_1=(230\div 250) \text{ N}\cdot\text{m}/\text{rad}$; $c_2=(180\div 200) \text{ N}\cdot\text{m}/\text{rad}$; $c_3=(160\div 170) \text{ Nm}/\text{rad}$. Бунда $\delta_3 \leq (0,1\div 0,12)$; $\delta_2 \leq (0,08\div 0,09)$ бўлиши имкони яратилди.

4. Жунни илиб ажратиш олувчи барабан бурчак тезлиги тебраниш қамрови ва юкланиши ўзгариш қонуниятини унинг инерция моментига боғлиқлик графиклари қурилди. Инерция моментларини ортиши тезликларни тебраниш қамровини камайтириши, юкланишни ортишиға олиб келиши аниқланди. Машина агрегати параметрларининг $J_5=(0,0134\div 0,014) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $J_6=(0,018\div 0,026) \text{ kg}\cdot\text{m}^2$; $c=(240\div 260) \text{ N}\cdot\text{m}/\text{rad}$; $M_{C6}=(3,8\div 5,2) \sin 23, \text{ It}$. қийматлари аниқлашға имкон берди.

5. Тозалагичнинг қайишқоқ таянчларига ўрнатилган колосниклари тебраниш қонуниятларини ифодаловчи математик моделлари олинди. Уч қиррали колосникларни максимал силжиш қийматларини тозаланаётган

жуннинг технологик қаршилигига ўзгармас ташкил этувчисига боғлиқлигини аниқлаш имконини берди.

6. Колосникларни тебраниш амплитудаси ва частотасини тавсил қилинадиган қийматлари: амплитудаси $A_x=(1,1\dots 1,5)\cdot 10^{-3}$ m, тебраниш частотаси (3,5-5,5) Hz. Уч қиррали колосникнинг тебраниш амплитудасини $(1,1\dots 1,5)\cdot 10^{-3}$ m чегарасида бўлишини таъминлаш учун резинали таянчни бикрлик коэффиценти тавсия қилинган қиймати $m=(0,25\dots 0,3)$ kg ва $C=(2,5\dots 4,5)\cdot 10^{-3}$ N/m экналиги аниқланди. Тозалаш машинаси уч бурчакли колосниги тебраниш қонуниятини тозаланаётган жундан келаётган тасодикий технологик юкламага боғланиш графиклари қурилди. Тахлиллари асосида жунни тозалаш зонасига бир меъёрда узатиш шарти $F(t)\leq[(5,5\div 6,0)\pm(0,55\div 0,6)]$ N эканлиги белгиланди.

7. Жунни илиб олувчи барабан эластик пластиналар сиртида жун бўлақларини ҳаракат қонунини ифодаловчи дифференциал тенгламаси олинди, унинг ечими асосида силжиш формуласи аниқланди. Барабан эластик пластинкалари жун толалари бўлақларини аррали цилиндр тишларидан ажратиб олиб кетиши учун қуйидаги қийматлар тавсия этилди $\omega=(70\div 75)$ rad/s, $\beta=(5,0^0\div 8,0^0)$ дан ошмаслиги талаб қилинади. Бунда жун толалари бўлақлари силжиши $(2,2\div 2,6)$ mm дан ошмаслиги ва эластик пластинка сиртида сақланиш имкон берди.

8. Жунни ўсимлик аралашмалари, жумладан қўйтикандан ажратиш кучини толалар сонига ва турига боғлиқ равишда аниқланди. Бунда майин толали жунни қўйтикандан ажратиш кучи $(7,1\div 42,2)$ N оралиғида, дағал толали жун учун $(12,4\div 158)$ N оралиғида ўзгариши аниқланди.

9. Жунни ўсимлик аралашмасидан тозалаш машинаси тасмали узатмаси етакловчи валидаги юкланишни ўзгариш қонуниятини тензометрик тажрибалар орқали аниқланди. Аррали цилиндр валидаги буровчи момент тебраниш амплитудасини камайтириш учун юритма тасмали узатмаси шкивининг резинали втулкаси 3820 MBCS маркали резинадан олинганда, айланма бикрлиги $(230\div 280)$ N·m/rad бўлганда имкони юқорилиги аниқланди.

10. Жунни ўсимлик аралашмасидан тозалаш машинасининг тажриба нусхаси тўлиқ факторли тажрибалар асосида мақбул параметрлари асосланди: иш унумдорлиги, - 70 kg/soat; қайишқоқ таянчнинг бикрлиги, $2,8\cdot 10^{-3}$ N/m; аррали цилиндр ва колосник орасидаги масофа, 7 mm. Бунда жун толасини ўсимлик аралашмаларидан тозалаш самараси 81,0÷83 % гача ошириш имконияти яратилди.

11. Жунни ўсимлик аралашмасидан тозалаш машинаси ишлаб чиқариш шароитида қиёсий синов тажрибалари ўтказилди. Тажриба жараёнида таклиф қилинган жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинаси юқори бардошлик ва бир маромда ишлашини кўрсатди. Тозалаш самарадорлиги мавжуд конструкцияга нисбатан ўртача 17,2% ошди, жун толанинг механик шкастланиши 4,2% га камайди, ифлосликда жун толаси 8,5-10,5% гача камайди. Тавсия қилинган жунни ўсимлик аралашмаларидан тозалаш машинасини ишлаб чиқаришга қўллаш натижасида бир корхона 22,4 млн. сўм йиллик иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ЭЛМОНОВ СИРОЖИДДИН МАМАДИЯРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОЙ КОНСТРУКЦИИ МАШИНЫ
ПО ОЧИСТКЕ ШЕРСТИ ОТ РАСТИТЕЛЬНЫХ ПРИМЕСЕЙ И
ОБОСНОВАНИЕ РАБОЧИХ ПАРАМЕТРОВ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и
робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/T242.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Джураев Анвар

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бахадиров Гайрат Атаханович

доктор технических наук, профессор

Кулметов Мирполат

кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 29 июня 2018 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание, Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 37). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон- 5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 14 июня 2018 года.
(реестр протокола рассылки №37 от 14 июня 2018 года).

К.Жуманиязов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

И.Г.Шин

Заместитель председателя научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На мировом рынке шерстяное волокно считается одним из естественных волокон и является важным сырьем текстильной промышленности. По сведениям международной статистики «за период 2016-2017 годов такие государства как Австралия, Китай, США, Новая Зеландия, Великобритания, Индия, Турция, Иран, Северная Корея по заготовке и импорту шерстяного волокна являлись ведущими»¹. Из-за повышения требований к качеству шерстяного волокна обращают особое внимание на повышение конкурентоспособности шерстяного волокна на мировом рынке, новые технологические установки, выпускающие современную и по технологии надежную, качественную продукцию, модернизацию существующих, совершенствование высокоэффективных шерстоочистительных машин в отрасли первичной обработки шерсти.

В мире важным являются разработка научных основ совершенствования техники и технологии переработки шерсти с учетом по физико-механических свойств. В частности определение объема обхвата волокон шерстью растительных примесей, получение характеристик силы разрыва и удлинения шерсти, теоритическое и экспериментальное изучение движений рабочих органов, приведение анализа оптимальных параметров и законов движения; создание теоретических основ влияния факторов на естественные свойства шерсти при его переработке; определение оптимальных параметров, режимов движения машины для очистки шерсти от трудновыделяемых растительных примесей.

В республике осуществляются комплексные мероприятия по развитию сети переработки шерсти, модернизации и технического переоборудования шерсточистительных предприятий, повышению рентабельности производства и переработки шерстяного волокна и вместе с тем повышение конкурентоспособности выпускаемой продукции. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы отмечены задачи, в том числе «...повышение конкурентоспособности национальной экономики... снижение расхода энергии и ресурсов в экономике, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»². При выполнении этой задачи, в том числе создание ресурсосберегающих конструкций машина для очистки шерсти, создание и внедрение в производство эффективных технологий полной очистки шерсти от трудновыделяемых растительных примесей являются одними из важных задач.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №ПУ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-2692 от 22 декабря 2016 года «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически

¹ <http://www.worldatlas.com>; <https://www/statistica.com>; <https://geographyofrussia.com/legkava-promyshlennost-mira>.

² О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, Указ Президента Республики Узбекистан, №УП-4947, 07.02.2017 г.

изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности» и №ПП-4707 от 4 марта 2015 года «О мерах по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации промышленного производства на 2015-2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Настоящая исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

Степень изученности проблемы. Для совершенствования техники и технологии по переработке шерсти и проведения исследований с сохранением природных свойств шерсти внесли значительный огромный вклад ведущие ученые мира А.Угрюмов, В.Афанасьев, Л.Горбунова, Я.Липенков, А.Домашинко, В.Безруков, Н.леудяков, Е.Грязнова, Е.Колпаков и др.

Следует отметить вклад ученых Узбекистана Х.Ахмедходжаева, М.Кулметова, С.А.Юсупова, Ж.А.Қаюмова в проведенных фундаментальных теоретических и практических исследованиях по совершенствованию технологии переработки шерсти и конструкций машин и механизмов.

Существующие исследования были направлены, в основном, на изучение специфических особенностей шерсти, совершенствование процессов мойки, расчесывания, химической обработки в технологии переработки шерсти. При этом не достаточно проведены исследования по разработке новых технологий и созданию ресурсосберегающих, эффективных конструкций очистителей шерсти от колючих растительных примесей. Поэтому совершенствование конструкций машин для очистки шерсти от растительных примесей и обоснование параметров и режимов работы рабочих органов с учетом характеристики шерсти является основой проведения исследований работы с учетом характеристики шерсти.

Связь темы диссертации с научно - исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ ТИТЛП и отражено в следующих проектах: ВА-ОТАЗ-04 «Разработка конструкции и расчет параметров ресурсосберегающей высокоэффективной машины для очистки шерсти от растительных примесей», ЁОТ-Фтех-2018-53 «Разработка научных основ технологии очистки местной шерсти от растительных примесей», И-2015-2-5 «Разработка и внедрение ресурсосберегающей конструкции секции мелкой очистки хлопка», А-3-128 «Разработка эффективных конструкций и создание методов расчета параметров ресурсосберегающих рабочих органов с их рациональной компоновкой в хлопкоочистительном агрегате».

Целью исследования является разработка ресурсосберегающей, эффективной конструкции машины для очистки шерсти от растительных примесей, обоснование параметров и режимов работы рабочих органов.

Задачи исследования:

разработка конструктивных схем рабочих органов, механизмов привода машины для очистки шерсти от растительных примесей;

